



МИНТАҚА АҲОЛИСИ УЧУН САВДО ХИЗМАТЛАРИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШГА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ

PhD Махматқулов Ғолибжон

Иқтисодиёт ва педагогика университети

ORCID: 0000-0003-3717-172X

gmaxmatqulov11@mail.ru

Қўзиев Анвар

Иқтисодиёт ва педагогика университети

ORCID: 0009-0004-7134-5249

anvarkuziyev405@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада Қашқадарё вилоятининг аҳоли учун савдо хизматларини инновацион ривожлантириш салоҳиятини баҳолаш моделлари ва тизимли ёндашув кўрсатилган.

Калит сўзлар: савдо корхоналари, минтақа, электрон тижорат, инновацион ривожлантириш, прогнозлаштириш, самарадорлик.

СИСТЕМНЫЙ ПОДХОД К ИННОВАЦИОННОМУ РАЗВИТИЮ СФЕРЫ ТОРГОВЫХ УСЛУГ ДЛЯ НАСЕЛЕНИЯ РЕГИОНА

PhD Махматқулов Ғолибжон

Университет экономики и педагогики

Кузиев Анвар

Университет экономики и педагогики

Аннотация. В статье показаны модели и системный подход к оценке потенциала инновационного развития сферы торговых услуг населению Кашкадарьинской области.

Ключевые слова: торговые предприятия, регион, электронная коммерция, инновационное развитие, прогнозирование, эффективность.

A SYSTEMATIC APPROACH TO INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE SPHERE OF TRADE SERVICES FOR THE POPULATION OF THE REGION

PhD Makhmatkulov Golibjon

University of Economics and Pedagogy

Kuziev Anvar

University of Economics and Pedagogy

Abstract. The article presents models and a systematic approach to assessing the potential for innovative development of the sphere of trade services to the population of the Kashkadarya region.

Keywords: trading enterprises, region, e-commerce, innovative development, forecasting, efficiency.

Кириш.

Минтақада келгуси йилларда савдо хизматларини инновацион ривожлантириш даражаси унинг бугунги инновациялашув ҳолатига бевосита боғлиқ бўлиб, истиқболдаги инновацион ривожланиш кўрсаткичлари ҳудуднинг жорий салоҳиятига асосланади.

Тадқиқот жараёнида минтақанинг умумий инновацион ривожланиш салоҳиятини баҳолаш учун ўз ўрнида аҳолига савдо хизматлари ривожига таъсир этиш характериغا эга, инновация омили сифатида кўриладиган энг муҳим ижтимоий-иқтисодий, техник-технологик хусусиятли предметлар миқдорий тадқиқ этилди.

Адабиётлар шарҳи.

Асосан кўп сонли чакана савдо фирмалари молиявий маълумотлари асосида товар айланмаси кўрсаткичининг бошқа кўрсаткичлар билан эмпирик боғлиқлиги тадқиқ этилади. (Sukhanova, Shirnaeva, Repina, 2019). Шунингдек, чакана савдо айланмаси энг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткич сифатида қаралиб, мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини ҳамда турмуш даражасини акс эттирувчи асосий характердаги омил сифатида баҳоланади.

Мамлакатимизда савдо хизматларини ривожлантириш юзасидан иқтисодчи олимлар бир қанча илмий тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан, Ғуломов (1992), Рузметовларни (1998) киритиш мумкин. Улар ўз илмий ишларида миллий иқтисодиётни ривожлантириш, ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш масалаларига, хизматлар соҳасини, жумладан, савдо хизматларини ривожлантиришга ҳар томонлама ёндашганлар.

Иқтисодчи олим Соатов, (2019) Ташқи савдо балансини ўртнатиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашади. Ташқи савдо инфляция жиддий ўсишининг олдини олиши билан бирга ички савдода маҳсулот сифими ва турини ошишига, провардида унинг ҳажмининг ошишига таъсир этади.

Савдо хизматлари тармоғининг барқарор ривожланиш шарт-шароитлари ўрганган хорижий олимлар (Vishal Gaur, Marshall, Fisher, Ananth Raman, (2008) аксарият тадқиқотларда товар айланмаси кўрсаткичи марказий белги сифатида қарайди.

Тадқиқот методологияси.

Мақоланинг мақсади Қашқадарё вилоятида рақамли инфратузилмасини яхшилаш асосида электрон тижорат тизимини ривожлантириш мумкинлигини асослайди. Шунингдек, вилоят аҳолисининг инновацияларни ўзлаштиришга бўлган рағбати жуда юқори бўлиб, бу асосий салоҳият мақомига эгадир.

Ушбу мақола мавзусини ёритишда корреляцион-регрессион таҳлил, эконометрик моделлаштириш, прогнозлаш, таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Қашқадарё вилоятининг аҳолига савдо хизматларини инновацион ривожлантириш салоҳияти минтақада рақамли инфратузилманинг мавжуд ҳолатидан, аҳолининг инновацион ривожланишга бўлган табиий эҳтиёжига боғлиқ параметрлар кўрсаткичидан, рақамли маркетингнинг жорийи этилиш ҳамда электрон тижорат соҳасининг ривожланганлик даражасидан, савдо тизимидаги фаолият юритаётган электрон платформалар сифати ва сонидан ва бошқа инновация элементларининг ҳолатидан келиб чиқиб баҳоланиши муҳим деб ҳисоблаймиз. Қашқадарё вилоятининг савдо хизматларини инновацион ривожлантириш салоҳиятини баҳолаш сфераси 1-расмда келтирилган.

Қашқадарё вилоятининг савдо хизматларини инновацион ривожлантириш салоҳиятини баҳолаш сфераси учта нимсфера (баҳолаш предмети) дан иборат бўлиб, уларга минтақанинг рақамли инфратузилмаси, аҳолининг инновацион характердаги турмуш тарзи сифати, электрон тижорат тизимининг ҳолати киради.

Минтақанинг рақамли инфратузилмаси ўз таркибига хизмат фаолияти рақамлаштирилган банкларни, интернет тармоғига уланган корхона ва ташкилотларни, мобиль алоқа тизимига уланган абонент радиостанцияларини, уяли мобиль алоқа таянч станцияларини, почта хизмати кўрсатувчи ташкилотларни, алоқа линияларини, логистик бошқарув тизимига аъзо савдо корхоналарини, логистик транспорт хизмати корхоналарини ва шу кабиларни қамраб олади.

Аҳолининг инновацион характердаги турмуш тарзи сифати аҳолининг электрон харид қобилиятини, АКТ саводхонлигини, телефон аппарати ва компьютерлар билан таъминланиш даражасини, аҳолининг электрон тижоратдаги фаоллигини, савдо корхоналарида инновацион хизматларига эҳтиёжларини, савдо хизматларидаги инновацияларга рағбатини ўзида мужассам этади.



1-расм. Савдо корхоналарида хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишнинг инновацион салоҳият ресурсларини гуруҳлаш схемаси

Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Электрон тижорат тизими рақамли маркетинг хизматларини, интернет тармоғидаги миллий электрон тижорат расмий бирлашмаларига аъзо савдо корхоналари фаолиятини, рақамли савдо ва реклама агентликлари фаолиятини, почта хизмати ва электрон платформалар фаолиятини, электрон савдо шартномалар сони ҳамда логистик транспорт хизмати фаолиятини қамраб олади.

Мазкур нимсфера таркибий элеменлари бўйича танланган кўрсаткичлар асосида минтақанинг савдо хизматларини инновацион ривожлантириш салоҳиятини баҳолаш учун вақтли қатор моделлардан фойдаланамиз.

Қуйидаги жадвалда минтақанинг рақамли инфратузилма нимсферасига оид таркибий элементлари кўрсаткичларининг қийматлари келтирилган (1-жадвал).

Вилоятда фаолият юритаётган рақамлаштирилган банкларнинг жами банклар сонидаги улуши йиллар давомида ортиб бориши кузатилади. 2000 йилда кўрсаткич 15,8 фоизга тенг бўлган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 91,3 фоизга етган. 2021 йилда 2000 йил ва 2010 йилга нисбатан улуш миқдори мос равишда 5,78 ва 1,88 баробарга ошган.

1-жадвал

Қашқадарё вилоятининг рақамли инфратузилмаси кўрсаткичлари

Йиллар	Кўрсаткичлар					
	Рақамлаштирилган банкларнинг жами сонидаги улуши, бирлик (RIK_1)	Интернет тармоғига уланган корхона ва ташкилотлар улуши, фоизда (RIK_2)	Мобиль алоқа тизимига уланган абонент радиостанциялари сони, мингта (RIK_3)	Уяли мобиль алоқа таянч станциялари сони, мингта (RIK_4)	Логистик бошқарув тизимига аъзо савдо корхоналари улуши, фоиз (RIK_5)	Логистик транспорт хизмати корхоналари сонининг ўсиш суръати, фоизда (RIK_6)
2000	15,8	6,9	498,9	0,00	5,1	3,5
2005	30,1	8,1	833,2	0,01	11,8	2,6
2010	48,5	10,9	1 395,4	0,25	19,6	4,8
2011	52,7	11,3	1 420,2	0,38	20,4	5,1
2012	58,2	12,4	1 456,6	0,65	20,8	7,6
2013	61,3	12,9	1 487,3	0,89	23,6	5,8
2014	65,9	13,5	1 533,2	1,11	25,3	6,9
2015	69,5	13,1	1 566,0	1,21	27,9	8,9
2016	72,4	20,1	1 581,4	1,23	31,4	10,1
2017	76,7	20,5	1 687,4	1,40	33,4	12,3
2018	80,9	20,1	1 692,3	1,62	36,8	12,8
2019	83,1	18,7	1 857,8	1,81	39,6	13,4
2020	87,6	14,9	1 996,8	2,41	42,4	12,6
2021	91,3	16,4	2 103,5	2,56	43,5	18,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси, Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси ва Қашқадарё вилояти транспорт бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Сўнги 10 йилликда ўртача ўсиш суръати 5,6 фоизга тенг. Бу кўрсаткич бўйича тузилган ARIMA(1,0,1) модели (2-жадвал) натижаларига кўра кейинги 4 йилда барча тижорат банклари тўлиқ рақамлаштирилган фаолият кўрсата бошлайди.

2-жадвал

Қашқадарё вилоятининг савдо хизматларини инновацион ривожлантириш салоҳиятини рақамли инфратузилмаси кўрсаткичлари бўйича тузилган баҳолаш моделлари

p,d,q	ARIMA (p,d,q)	z-статистика	R^2
1,0,1	$RIK1_t = 70,03 + 0,97 * RIK1_{t-1} + 0,88 * \varepsilon_{t-1}$	$z(a_0)=3,861$ $z(a_1)=23,96$ $z(a_2)=2,596$	0,98
1,1,1	$(1 - L)RIK2_t = 0,64 * (1 - L)RIK2_{t-1} - \varepsilon_{t-1}$	$z(a_1)=2,207$ $z(a_2)=4,257$	0,88
1,0,1	$RIK3_t = 1736,12 + 0,95 * RIK3_{t-1}$	$z(a_0)=5,920$ $z(a_1)=14,89$	0,93
2,0,1	$RIK4_t = 1,69 + 1,97 * RIK4_{t-1} - 0,99 * RIK4_{t-2} - 0,99 * \varepsilon_{t-1}$	$z(a_0)=2,580$ $z(a_1)=58,300$ $z(a_2)=-82,57$ $z(a_3)=-3,328$	0,96
1,0,1	$RIK5_t = 32,05 + 1,94 * RIK5_{t-1} - RIK5_{t-2} - 0,99 * \varepsilon_{t-1}$	$z(a_0)=26,99$ $z(a_1)=114,4$ $z(a_2)=-337,8$ $z(a_3)=-4,05$	0,99
1,1,1	$(1 - L)RIK6_t = 1,075 - \varepsilon_{t-1}$	$z(a_0)=11,67$ $z(a_2)=-3,35$	0,90

Манба: муаллиф томонидан Gretl дастурида ҳисобланган.

**Қашқадарё вилояти рақамли инфратузилмаси кўрсаткичларининг
прогноз қийматлари**

Прогноз йили	Кўрсаткичлар					
	Рақамлаш- тирилган банкларни нг жами сонига улуши, бирлик (RIK_1)	Интернет тар-моғига уланган корхона ва таш- килотлар улуши, фоизда (RIK_2)	Мобиль алоқа тизими- га уланган абонент радиостан- циялари сони, мингта (RIK_3)	Уяли мобиль алоқа таянч станция- лари сони, мингта (RIK_4)	Логистик бошқарув тизими- га аъзо савдо корхона- лари улуши, фоиз (RIK_5)	Логистик транспор- т хизмати кор- хоналари сонининг ўсиш суръати, фоизда (RIK_6)
2021	91,3	16,4	2 103,5	2,56	43,5	18,7
2022	93,7	17,7	2119,6	2,75	44,4	15,9
2023	96,5	18,7	2120,6	2,91	44,6	18,1
2024	98,9	19,5	2152,3	3,04	45,8	18,8
2025	-	20,3	2168,8	3,14	46,9	20,0
2026	-	21,0	2184,6	3,21	48,7	21,0
Ўртача ўсиш, %	2,7	5,1	0,8	4,6	2,3	2,4

Манба: муаллиф томонидан Gretl дастурида ҳисобланган.

Минтақадаги интернет тармоғига уланган корхона ва ташкилотларнинг улуши ўсиш тенденциясига эга бўлсада, биров пастлигича қолмоқда. 2021 йилда 2000 йилга нисбатан улуш миқдори 2,38 баробарга ошган. Сўнги ўн йилликдаги ўртача ўсиш суръати 3,8 фоизга тенг. 2-жадвалда келтирилган ARIMA (1,1,1) модел натижаларига кўра кейинги беш йилликда улуш миқдори 1,28 баробарга ошиб 21,0 фоизга етади. Ўртача ўсиш суръати 5,1 фоизга тенг бўлади. Мобиль алоқа тизими-га уланган абонент радиостанциялари сони ўсиш тенденциясига эга. Сон миқдори 2021 йилда 2000 йилга нисбатан 4,22 баробарга ошган. Ўртача ўсиш 4 фоизга тенг. Ушбу кўрсаткич бўйича ишлаб чиқилган ARIMA(1,0,1) модел натижаларига кўра кейинги беш йилликда радиостанциялар сони 1,04 баробарга ошиб 2184,6 мингтага етади. Ўртача ўсиш суръати 0,7 фоизни ташкил этади. Уяли мобиль алоқа таянч станциялари сони тезкор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2021 йилда 2000 йилга нисбатан 753 фоизга, 2005 йилга нисбатан эса 10,24 баробарга ошган. Ўртача ўсиш 21 фоизга тенг. Бу кўрсаткич бўйича тузилган ARIMA (2,0,1) модел натижаларига кўра кейинги беш йилликда таянч станциялари сони 1,28 баробарга ошиб, 3,21 мингтага етади, ўртача ўсиш 4,6 фозни ташкил этади. Минтақада логистик бошқарув тизими-га аъзо савдо корхоналари улуши ўсиш тенденцияли бўлиб, 2021 йилда улуш миқдори 43,5 фоизни ташкил этган. Бу миқдор 2000 йилга нисбатан 8,5 баробарга кўп. Ўртача ўсиш 7,9 фоизга тенг. Бу кўрсаткич бўйича иўлаб чиқилган ARIMA(2,0,1) модел натижаларига кўра кейинги беш йилликда логистик бошқарув тизими-га аъзо савдо корхоналари улуши 1,12 баробарга ошиб, 48,7 фоизни, ҳамда ўртача ўсиш 2,3 фозни ташкил этади. Логистик транспорт хизмати корхоналари сонининг ўсиш суръати ўзига мос тенденцияли бўлиб, 2021 йилда ўсиш суръати 18,7 фоизни ташкил этган. Бу миқдор 2000 йилга нисбатан 5,34 баробарга кўп. Ўртача ўсиш 13,8 фоизга тенг. Бу кўрсаткич бўйича тузилган ARIMA(1,1,1) модел натижаларига кўра кейинги беш йилликда логистик транспорт хизмати корхоналари сонининг ўсиш суръати 1,12 баробарга ошиб, 21 фоизни, ҳамда ўртача ўсиш 2,3 фозни ташкил этади.

Вилоят аҳолисининг жами харидларида мобиль илова воситаси ёрдамида амалга оширган харидлар улуши йиллар давомида ортиб бориши кузатилади.

**Қашқадарё вилояти аҳолининг инновацион характердаги турмуш тарзи
кўрсаткичларининг прогноз қийматлари**

Прогноз йили	Кўрсаткичлар					
	Аҳолининг мобиль илова воситаси ёрдамида амалга оширган харидлар улуши, фоизда (AIT_1)	Аҳолининг АКТ савод- хонлиги, фоизда (AIT_2)	Аҳолининг телефон аппарати билан таъ- минлан- ганлик даражаси, ҳар 100 кишига (AIT_3)	Аҳолининг интернет магазин- ларда рўйхатдан ўтганлари сони, минг киши (AIT_4)	Аҳоли актив- ларини нақдлаш- тириш эҳтиёжининг қондирилиши фоизда (AIT_5)	Интернет тармоғига уланган обонентлар сони, мингта (AIT_6)
2021	40,3	60,47	71,0	541,32	90,6	1768,94
2022	44,1	61,02	74,26	583,75	88,6	2074,22
2023	48,0	61,05	81,19	637,63	93,7	2367,49
2024	51,9	61,09	85,12	692,46	100,0	2642,52
2025	56,0	61,30	91,50	747,37	-	2893,59
2026	60,0	61,34	91,88	802,29	-	3115,65
Ўртача ўсиш, %	8,3	0,3	5,3	8,9	2,0	12,0

Манба: муаллиф томонидан Gretl дастурида ҳисобланган.

Бу кўрсаткич мазкур амалиётнинг сўнги йилларда юз берганлиги сабабли 2013 йилдан бошлаб қийматланган. 2013 йилда кўрсаткич 0,9 фоизга тенг бўлган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 40,3 фоизга етган. 2021 йилда 2010 йилга нисбатан улуш миқдори 44,77 баробаргача ошган. Сўнги 9 йилликда ўртача ўсиш суръати 73,1 фоизга тенг. Бу кўрсаткич бўйича тузилган ARIMA (1,1,1) модели (3-жадвал) натижаларига кўра кейинги 5 йилда улуш миқдори 1,5 баробар ошиб 60 фоизга етади. Ўсиш 48,8 фоизга тенг. 5 йиллик ўртача йиллик ўсиш суръати 8,3 фоизга тенг.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Минтақа аҳолисининг АКТ саводхонлиги 2021 йилга келиб 60,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу 2000 йилга нисбатан 71 баробар кўпга тўғри келади. Сўнги 10 йилда ўртача ўсиш 13,3 фоизга тенг. Кўрсаткич бўйича тузилган ARIMA(1,0,2) модели (2.23-жадвал) натижаларига кўра кейинги 5 йилда улуш миқдори фақат 1,4 фоизга ошиб, умумий АКТ саводлилиқ даражи 61,34 фоизга етади. 5 йиллик ўртача йиллик ўсиш суръати 0,3 фоизга тенг.

Минтақа аҳолисининг телефон аппарати билан таъминланганлик даражаси 2021 йилга келиб ҳар 100 кишига 71 тани ташкил этмоқда. Бу 2010 йилга нисбатан 5.9 баробар кўпга тўғри келади. Сўнги 10 йилда ўртача ўсиш 18,5 фоизга тенг. Кўрсаткич бўйича тузилган ARIMA(1,1,1) модели натижаларига кўра кейинги 5 йилда телефон аппаратлари билан таъминланганлик даражаси 29,4 фоизга ошиб, ҳар 100 кишига 92 тага етади. 5 йиллик ўртача йиллик ўсиш суръати 5,3 фоизга тенг.

Минтақа аҳолисининг интернет магазинларда рўйхатдан ўтганлари сони 2021 йилга келиб 541,32 минг кишини ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 3 баробар ошганлиги кузатилади. Сўнги 10 йилда ўртача ўсиш 107,3 фоизга тенг. Кўрсаткич бўйича тузилган ARIMA(1,1,1) модели (3-жадвал) натижаларига кўра кейинги 5 йилда минтақада интернет магазинларда рўйхатдан ўтган аҳоли сони 1,48 баробарга ошиб, 802,29 минг кишига етади. 5 йиллик ўртача йиллик ўсиш суръати 8,2 фоизга тенг (4-жадвал).

Минтақа аҳолиси активларини нақдлаштириш эҳтиёжининг қондирилиш

даражаси 2021 йилга келиб 90,6 фоизни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 13,7 баробар ошганлиги кузатилади. Сўнги 10 йилда ўртача ўсиш 31,9 фоизга тенг. Кўрсаткич бўйича тузилган ARIMA(2,1,2) модели (2.23-жадвал) натижаларига кўра 2024 йилда минтақада активларини нақдлаштириш эҳтиёжининг қондирилиш даражаси 100 фоизга етиши прогноз қилинди (4-жадвал).

Минтақада интернет тармоғига уланган обонентлар сони 2021 йилга келиб 1768,94 минг нафарни ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 3,6 баробар ошганлиги кузатилади. Сўнги 10 йилда ўртача ўсиш 31,6 фоизга тенг. Кўрсаткич бўйича тузилган ARIMA(2,0,1) модели (3-жадвал) натижаларига кўра кейинги 5 йилда минтақада интернет тармоғига уланган обонентлар сони 1,76 баробарга ошиб, 3115,65 минг кишига етади. 5 йиллик ўртача йиллик ўсиш суръати 12 фоизга тенг (4-жадвал).

Вилоятда рақамли маркетинг хизматлари улуши йиллар давомида ортиб бориши кузатилади. Ўсиш тенденциясига эга. 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 14,9 фоизга етган. 2021 йилда 2010 йилга нисбатан улуш миқдори 6,47 баробар ошган. Сўнги 10 йилликда ўртача ўсиш суръати 17 фоизга тенг. Бу нисбатан юқори ўсиш фоизи ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич бўйича тузилган ARIMA(2,1,1) модели натижаларига кўра 2026 йилда улуш миқдори 1,5 баробар ошиб, рақамли маркетинг хизматлари улуши 22,1 фоизга етади. Ўсиш суръати кейинги беш йилда 48,3 фоизга, ўртача йиллик ўсиш суръати эса 8,2 фоизга тенг

Минтақада E-tijorat реестрида рўйхатдан ўтган электрон тижорат субъектларининг сони 2021 йилга келиб 12 тага тенг. Минтақада 2018 йилгача E-tijorat реестрида бирорта электрон тижорат субъектлари рўйхатдан ўтмаган. Сўнги 2018-2021 йиллар давомида бу кўрсаткич миқдори 4 тадан 12 тагача ортиб борган, яъни 3 баробарга ошган. Шу тўрт йилда ўртача ўсиш 44,2 фоизга тенг. E-tijorat реестрида рўйхатдан ўтган электрон тижорат субъектларининг сони бўйича тузилган ARIMA(1,1,1) модели натижаларига кўра кейинги 5 йилда миқдор 1,3 баробар ошиши таъминланади. 5 йиллик ўртача йиллик ўсиш суръати 5,9 фоизни ташкил этади.

Минтақада рақамли савдо реклама агентликлари сони 2021 йилга келиб 86 тани ташкил этмоқда. Бу ерда 2010 йилга нисбатан 4,3 баробар ортишини кузатиш мумкин. Сўнги 10 йилда ўртача ўсиш 13,6 фоизга тенг. Кўрсаткич бўйича тузилган ARIMA(1,1,1) модели натижаларига кўра кейинги 5 йилда рақамли савдо реклама агентликлари сони 1,34 баробарга ошиб, 115 тага етади. Кейинги 5 йилликда ўртача ўсиш суръати 5,9 фоизга тенг бўлади.

Минтақада почта алоқаси орқали жўнатмалар сони 2021 йилга келиб 101,2 мингтани ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 1,13 баробар ошганлиги кузатилади. Сўнги 10 йилда ўртача ўсиш 0,7 фоизга тенг. Кўрсаткич бўйича тузилган ARIMA(2,0,1) модели натижаларига кўра кейинги 5 йилда минтақада почта алоқаси орқали жўнатмалар сони 79,9 мингтани ташкил этиши прогноз қилинди.

Минтақада электрон савдо шартномалари ўсиш суръати 2021 йилга келиб 11,9 фоизни ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 3,6 баробар ошганлиги кузатилади. Сўнги 10 йилда ўртача ўсиш 12,7 фоизга тенг. Кўрсаткич бўйича тузилган ARIMA(2,1,1) модели (2.26-жадвал) натижаларига кўра 2026 йилда электрон савдо шартномалари ўсиш суръати 1,21 баробарга ошиши таъминланади. Минтақада логистик юк айланмаси 2021 йилга келиб 213,251 млн. тонна/ км ни ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 2,25 баробар ошган. Сўнги 10 йилда ўртача ўсиш 7,4 фоизга тенг. Кўрсаткич бўйича тузилган ARIMA(2,0,1) модели натижаларига кўра кейинги 5 йилда минтақада логистик юк айланмаси 1,2 баробарга ошиб, 252,474 млн. тонна/ км га етиши таъминланади. 5 йиллик ўртача йиллик ўсиш суръати 3,4 фоизга тенг (4-жадвал). Ушбу моделлаштириш натижалари асосида минтақанинг савдо хизматларини инновацион ривожлантириш салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичларининг олдинги ва кейинги даврлардаги ўртача ўсиш суръатлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Қашқадарё вилояти савдо хизматларини инновацион ривожлантириш
салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичларининг ўсиш суръати

Баҳолаш сфераси номи	Баҳолаш кўрсаткичлари	Ўртача ўсиш суръати, фоизда	
		Сўнги 10 йилда	Кейинги 5 йилда
Рақамли инфратузилма кўрсаткичлари	Рақамлаштирилган тижорат банкларнинг жами сондаги улуши	5,6	2,7
	Интернет тармоғига уланган корхона ва ташкилотлар улуши	3,8	5,1
	Мобиль алоқа тизимига уланган абонент радиостанциялари сони	4,0	0,8
	Уяли мобиль алоқа таянч станциялари сони	21,0	4,6
	Логистик бошқарув тизимига аъзо савдо корхоналари улуши	7,9	2,3
	Логистик транспорт хизматини кўрсатувчи корхоналар сонининг ўсиш суръати	13,9	2,4
Аҳолининг инновацион характердаги турмуш тарзи кўрсаткичлари	Аҳолининг мобиль илова воситаси ёрдамида амалга оширган харидлари улуши	60,9	8,3
	Аҳолининг АКТ саводхонлиги даражаси	13,2	0,3
	Аҳолининг телефон аппарати билан таъминланганлик даражаси	18,1	5,3
	Аҳолининг интернет магазинларда рўйхатдан ўтганлари сони	107,3	8,9
	Аҳоли электрон активларини нақдлаштириш эҳтиёжининг қондирилиши	31,9	2,0
	Интернет тармоғига уланган обонентлар сони	31,6	12,0
Электрон тижорат тизими кўрсаткичлари	Рақамли маркетинг хизматлари улуши	16,9	8,2
	E-tjorat реестрида рўйхатдан ўтган электрон тижорат субъектларининг сони	44,2	5,9
	Рақамли савдо реклама агентликлари сони	13,6	6,0
	Почта алоқаси орқали жўнатмалар сони	0,7	0,0
	Электрон савдо шартномаларининг ўсиш суръати	12,7	3,9
	Логистик юк айланмаси	7,4	3,4
Ўртача ўсиш суръати, фоизда		23,0	4,6

Манба: муаллиф томонидан Gretl дастурида ҳисобланган.

Хулоса ва таклифлар.

Жадвал маълумотларига кўра, минтақада савдо хизматларини ривожлантириш салоҳиятининг умумий ўртача ўсиш суръати 10,3 фоизга тенг. Натижалар, Қашқадарё вилоятида рақамли инфратузилмасини яхшилаш асосида электрон тижорат тизимини ривожлантириш мумкинлигини асослайди. Шунингдек, вилоят аҳолисининг инновацияларни ўзлаштиришга бўлган рағбати жуда юқори бўлиб, бу асосий салоҳият мақомига эгадир.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Maxmatqulov, G. X. (2023). Savdo xizmatlarini innovatsion rivojlantirishning zamonaviy uslubiy yondoshuvlari. Innovative Development in Educational Activities, 2 (9), 378–386.

Maxmatqulov, G. X. M. (2024). SAVDO SOHASINI SAMARALI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNING AHAMIYATI. Spanish Journal of Innovation and Integrity, 101–105.

Muhammadiyevich, R. A. (2021). Residence and catering services to the population the

importance of econometric modeling in regulatory assessment of consumer requirements to improve display quality. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 9(12), 1043-1048.

Muhammadiyevich, R. A. (2023). Xizmat ko 'rsatish sohasining yashash joy va umumiy ovqatlanish sifat va darajasini oshirish masalalari. *Научный Фокус*, 1, 589-592.

Muhammadiyevich, R. A. (2023). Yashash joy (mehmonxona) va umumiy ovqatlanish xizmatlarini ko 'rsatishning ichki va tashqi omillari hamda texnik-iqtisodiy sifat darajasi baholash. *Barqarorlik va yetakchi tadqiqotlar onlayn ilmiy jurnali*, 3(11), 163-166.

Rakhimov, A. N., and F. D. Jo'rayev. (2022) "A Systematic Approach To The Methodology Of Agricultural Development And The Strategy Of Econometric Modeling." *resmilitaris* 12.4: 2164-2174.

Sukhanova E.I., Shirnaeva S.Y., Repina E.G., (2019). Statistical Research and Modeling of Retail Turnover in the Russian Federation. *SHS Web of Conferences* 71, 02004 (2019). Volume 71, pag 4.

Vishal Gaur, Marshall L. Fisher, Ananth Raman, (2008) An Econometric Analysis of Inventory Turnover Performance in Retail Services. *Management Science* 51(2):181-194

Гулямов С.С. и др. (1992) Системный анализ эффективности производства в рыночных условиях. – Т.: "Мехнат".

Махматқулов, Г. (2022). Аҳолига савдо хизматларини инновацион ривожлантириш салоҳиятини баҳолашда тренд моделларини танлаш мезонлари (Қашқадарё вилояти мисолида). *Экономика и образование*, 23(4), 381-386.

Махматқулов, Г. (2022). Аҳолига савдо хизматларини инновацион ривожлантириш салоҳиятини баҳолашда тренд моделларини танлаш мезонлари (Қашқадарё вилояти мисолида). *Иқтисодиёт ва таълим*, 23(4), 381-386. https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a610.

Махматқулов Г.Х. Савдо хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида рақамлаштиришнинг аҳамияти "Biznes-Ekspert", 2021., 5 (161)-сон 36-41 б.

Рахимов, А. (2022). Аҳолига яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматлари ривожиди ички ва ёндош тармоқларнинг таъсирини баҳолаш (Қашқадарё вилояти мисолида). *Экономика и образование*, 23(4), 397-402.

Рахимов, А. М. (2021). Услуги по проживанию и обслуживанию населения значение эконометрического моделирования в нормативной оценке требований потребителей для улучшения качества отображения. *Международный междисциплинарный исследовательский журнал Galaxy*, 9(12), 1043-1048.

Рузметов Б.Р. (1998) Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дисс. ...док. эк. наук. –Т.: - 39 с.

Соатов С.С. (2019) Ташқи савдо балансини баҳолаш мезонлари. "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 4, 216-222 б.